Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 6 июль, сешанба • № 78 (24.473).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган



Уимблдон турнирининг қизлар орасида ғолиби Ирода Тўлагановага

Қизим Иродахон,

Теннис оламида энг нуфузли Уимблдон турнирида ғолиб бўлганинг ҳақидаги хушхабарни эшитиб, мен бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу ғалабанг барча ватандошларимиз қалбида фахр ва миллий ғурур туйғуларини уйғотди.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг кучли спортчилари орасида биринчи бўлиш, Ўзбекистон шаъни ва шоншуҳратини улуғлаш — инсондан чинакам жасорат ва иродани, фидойиликни талаб этади.

Қизим Иродахон, ишончим комилки, мамлакатимизда йилдан-йилга равнақ топаётган катта теннисчинг вакили сифатида сен жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон байроғини доимо баланд кўтариб борасан.

Сенга сиҳат-саломатлик ва бахт тилайман. Спортда ва ҳаётда омад ҳамиша ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фермер заводли бўлди

Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги аъзолари энди дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштирибгина қолмай, балки уни қайта ишлаш билан ҳам шуғулланяптилар. Бу ерда сутни қабул қилиш ва қайта ишлаш цехи ишга туширилди. Кичик завод «Бухоросут» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорлик эвазига бунёд этилди.

— Бу кичик корхонанинг афзаллиги шундаки, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Ёқуб Фаттоев, — аввало, у кунига 2 тонна сутни қабул қилиб, қайта ишлайди. Қатиқ, қаймоқ, чакки, музқаймоқ, умуман етти турдаги маҳсулот энди ўзимиздан чиқяпти. Яна бир жиҳат — бунинг эвазига хўжалигимизда ишловчилар сони ўн кишига кўпайди.

Бу заводга фермер хўжалигидан ташқари яқин атрофдаги жамоа хўжаликлари ҳам сут топширишяпти. Бундан ҳар иккала томон катта наф кўриши шубҳасиздир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Нав синалмоқда

Ҳаёт синовлардан иборат. Энг мақбул усул ё кашфиёт ёки янгилик ёйинки, бирор-бир нав ҳаётда яшаб қолаверади. Буни эса вақт кўрсатади. Шу кунларда мамлакатимизнинг турли минтақаларида Исроилдан келтирилган пахта навлари синаб кўрилаётгани кўпчиликка маълум. Хусусан, Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номидаги ва Касби туманидаги «Талишбе» хўжаликларида «Гедера-5», «Гедера-10» пахта навлари ўстирилмоқда. Уларни парваришлаш технологияси ҳам исроилча.

Ҳозир ғўзалар баравж. Тажриба майдонларида экинни томчилатиб суғориш ҳисобига мўл ҳосил етиштириш деҳқонларнинг асосий мақсадидир.

Учқун СУЛТОН

Институтда янги кафедра

Самарқанд давлат меъморлик-қурилиш институтида ЮНЕСКО кафедраси ташкил этиладиган бўлди. Янги кафедрага замонавий техника воситаларининг дастлабки туркуми ҳам топширилди.

Ушбу кафедрада асосан илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ходимлар ўқитилиб, маҳаллий ҳокимиятларга кўмаклашувчи мутахассислар тайёрланади. Кафедрани ЮНЕСКО томонидан ўтказиладиган танловда ғолиб чиққан хорижлик олим бошқаради.

Кафедрани очишдан мақсад, Ўзбекистондаги тарихий меъморлик марказларини асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга етказиш ва шаҳарсозлик муаммоларини ижобий ҳал этишдир.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Мустақиллик манзаралари

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Йиллик марра эгалланди

Навоий вилоятидан ажойиб хушхабар олинди. Вилоят ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик режасини бажардилар. Эл хирмонига 73 минг тоннадан ортиқ сара дон топширилди. Бу режадагидан 2 минг тонна кўп демакдир. Қабул пунктларига топширилган доннинг 20 минг тоннаси уруғликдир. Эришилган муваффақиятга Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор, Навоий туманлари миришкор деҳқонлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ушбу пешқадам туманларда ўртача ҳосилдорлик гектарига 38-40 центнерни ташкил этди.

Айни пайтда навоийликлар режага қўшимча яна 5 минг тонна дон тайёрлаб, ялпи хирмонни 78 минг тоннага етказишмоқчи. Вилоят далаларида сўнгги пайкаллар ғалласини ўриб-йиғиб олиш билан бир қаторда маккажўхори ва кечки сабзавот экинлари экиш ишлари жадал олиб бориляпти. Ҳозирга қадар вилоят хўжаликларида қарийб 10 минг гектар майдонга такрорий экинлар экилди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шоҳимардон яна чирой очди

Ўтган йилнинг 7 июль куни Ўзбекистоннинг энг гўзал гўшаларидан бири — машҳур Шоҳимардон қишлоғига офат бостириб келди. Кўп ўтмай юртбошимиз Шоҳимардонга келдилар. Рўй берган аҳвол билан батафсил танишдилар. У кишининг маслаҳат ва тавсиялари асосида фожиа оқибатларини тугатиш, Шоҳимардонни аввалгидан ҳам кўркамроқ оромгоҳга айлантириш режалари тузилди. Орадан бир йил ўтди. Табиий офатдан зиён кўрган 55 та оила учун янги уй-жойлар қуриб берилди. Талофат жабрини чекканларга 20,5 миллион сўм товон пули тўланди. Қишлоқ марказида 3 та озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси мажмуи қуриб битказилди. 250 ўринли бозор қурилиши поёнига етаяпти. Оқсув, Кўксув, Шоҳимардонсой қирғоқларини таъмирлаш, мустаҳкамлаш учун республика бюджетидан 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Шоҳимардон яна гўзал, яна сайлгоҳ, яна шоду-хуррам кишилар билан гавжум. Ҳа, ёш давлатимиз нималарга қодир эканлиги шу кичкина мисолда ҳам кўриниб турибди. «Юртимиз, юртбошимиз омон экан, офатлар чекинаверади. Ватан обод бўлаверади» демоқда шоҳимардонликлар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бу дунёнинг ишлари

Президентларнинг норасмий учрашуви

Украина Президенти Леонид Кучма билан Россия Президенти Борис Ельцин ўтган якшанба куни Москва вилоятининг Завидово қишлоғида учрашиб, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги кўпгина масалаларни муҳокама қилишди. Бу ҳақда учрашувдан сўнг Леонид Кучма Украина телевидениеси орқали айтди. Унинг сўзларига қараганда норасмий суҳбат давомида Югославиядаги, чунончи Косоводаги вазият муҳокама қилинди. Суҳбат давомида Украина, Россия ва Молдавия ўртасидаги Днестр бўйидаги муаммолар бўйича уч томонлама учрашув масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу учрашув шу ой ўрталарида Киев шаҳрида бўлади. Тушлик тугагандан сўнг икки давлат раҳбарлари балиқ овига боришди. Иккала Президент ҳам биттадан зоғора балиқ тутишга муваффақ бўлди.

Интерполнинг янги Бош котиби

Рональд Нобл Интерполнинг янги Бош котиби этиб сайланди. У 42 ёшда. Илгари АҚШ маъмуриятида ишлаган, бундан аввалроқ эса молия вазирининг ўринбосари вазифасини бажарган. Нобл ушбу халқаро полиция ташкилоти ташкил этилгандан бери унга раҳбарлик қилаётган биринчи америкаликдир. У саккиз номзод ичида ғолибликни қўлга киритди. Эндиликда бу вазифани бажариб турган Буюк британиялик Раймонд Кэнделлнинг ўрнини эгаллайди. Шуниси диққатга сазоворки, Кэнделл Интерполга 14 йил давомида раҳбарлик қилган.

Бош вазир ўз кабинетини тўлдирмоқда

Исроил Бош вазири Эҳуд Барак ўзининг янги кабинетидаги бир неча вазирларнинг номини айтди. Илгари Бенямин Нетаньяҳу ҳукумати даврида ташқи ишлар вазири вазифасини бажарган Давид Леви яна шу вазифани эгаллайди. Леви жаҳондаги барча жараёнларга одилона кўз билан қарайдиган сиёсатчи. Собиқ бош вазир Шимон Пересга минтақавий ривожланиш вазири лавозими таклиф этилди. Лекин бу таклиф ҳозирча қабул қилингани йўқ. Мудофаа вазири лавозимини эса Эҳуд Баракнинг ўзи эгаллайди. Би-Би-Сининг мухбири Куддусдан хабар қилишига кўра, Барак минтақадаги тинчлик жараёнини назорат қилиш имкониятини ўзида қолдириш учун ушбу лавозимни ҳам эгаллайди. Қолган муҳим лавозимлар, ички ишлар вазири лавозимини ҳам қўшганда бошқа партияларнинг вакилларига берилиши ваъда қилинган.

Партия ҳаёти

Энергетиклар шаҳри гуллаб-яшнамоқда

Мустақилликка эришганимиздан кейин иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида энергетиклар шаҳри Тахиатошда катта ўзгаришлар юз берди. Унинг саноати, транспорти, қурилишидан кўз қувонади. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида эса бурилиш ясалди. Янги корхоналар, кўплаб турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган кўргазмали семинар-кенгаш шаҳарнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланишига бағишланди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ва меҳмонлар, Қорақалпоғистон республикасининг шаҳар ва туманлари ҳокимлари, ҳоким ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, бошқармалар, бирлашмалар раҳбарлари «Тахиатошқурилиш» бошқармаси яқинда қуриб фойдаланишга топширган туғруқхона, миллий банкнинг янги биноси, «Тахиатошдон» ҳиссадорлик жамиятининг таътил пайтида мактаб ўқувчилари дам оладиган оромгоҳида бўлдилар. Қорақалпоқ иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи ва шу коллежда ташкил қилинган маърифат хонаси ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, 1,5 гектарлик майдонда Хотира ва Қадрлаш майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни шаҳар ҳокими М. Жумабоев кириш сўзи билан очди. Қорақалпоғистон республикаси Жўқорғи Кенгесининг раиси Т. Камолов нутқ сўзлади. Унда Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси А. Тожиев, ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти корпорацияси раиси Қ.Сидиқназаров, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг биринчи котиби А. Асановлар қатнашдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Илон уяси

Ҳушёрликка даъват

Одам кўз юмиб-очгунча ўтиб кетадиган умрнинг ҳар бир лаҳзасини ғанимат билиши, қадрига етиши керак. Чунки ҳар бир лаҳза Аллоҳнинг бизга берган бир имконияти, унинг беҳуда ўтиши — имкониятнинг бой берилиши, умрнинг елга совурилиши, демакдир.

Биз шўро замонида номига ишлашга одатланганмиз, чунки саккиз соат ишхонада ўтирганимиз учун маош тўлашар эди. Шунинг учун вақтида ишга бориб, вақтида қайтардик. Бу ишнинг натижаси ҳеч кимни қизиқтирмасди. Содда қилиб айтганда, умрнинг саккиз соатини тўлдириш ҳисобига кун кечирардик. Ҳаётга бундай муносабат охир-оқибат кишини бошқа нарса билан иши бўлмай, «Менга нима»— деб яшашга, яъни ҳаётнинг умумий оқимига муте бўлиб қолишга олиб келади. Бундай одамни қаёққа етакласанг, ўша ёққа кетаверади.

Тарихини, кимнинг авлоди эканлигини, кимлигини билмаган дунё бехабар бундай одам замон ўзгарса-ю, ўз эркига қўйилса, аввалги мувозанатни қўмсайди, дарҳол кимгадир суянишни, қайдандир паноҳ топишни истайди. Шунинг оқибатида «параст»лик келиб чиқади.

«Параст» деган сифат саксонинчи йилларнинг охирида ҳақоратомуз маъно касб этган. Чунки ўша йилларга келиб, мустабид тузумнинг заҳар-заққум салтанати ич-ичидан емирилган. Бош устимизда тегирмон тошидай айланиб, қўрқинч солиб турган сиёсат зуғуми сусайгач, бировга орқа қилиб яшашга ўрганган кимсалар таянч излаб қолган, бу «таянч»ни топганлар эса ўзиникини бошқаларга ҳам ўтказишга ҳаракат қилишган.

Шундай одамлар бор— нафсига ўт тушган, ўзининг худбин интилишларини миллат манфаатидан устун қўяди, яна мунофиқлик қилиб, буни «параст»лик билан ниқоблайди ҳам. Тўқсонинчи йилларда: «Россиясиз ҳеч қаёққа бора олмаймиз!» — деб ваҳима қилганлар оз бўлганми! Нима, улар ўзлари мансуб бўлган миллатнинг эртанги кунига қайғургани ёки азбароён Россияни яхши кўргани учун шундай «сиёсат» қилишганми.

Йўқ — улар шўролар ҳукмронлигидан манфаатдор бўлиб келган, болаларини ҳам шу руҳда тарбиялаган. Келажагини «улуғ ога»ларисиз тасаввур қила олмаган. Бундай одамлар азбароён ўзлари тамшаниб эмиб келган елиндан ажраб қолмаслик учун наинки Ватанини сотиб юборади, керак бўлса, шу йўлда халқининг қурбон бўлишини жуда фойдали иш деб кўрсата олади, бундан тап тортмайди.

«Параст»лик авж олган ўша йилларга назар ташласак, «ақидапараст»лик, «туркпараст»лик ҳам яққол кўзга ташланганлигининг гувоҳи бўламиз. Буни эслашга сабаб — ўша ҳар қандай «параст»ликлар замирида ётган яширин муддаолар, мана, энди ойдинлашмоқда.

Ўзингиз ўйланг, ваҳҳобийлик юртимизга қаёқдан кириб келди? Нега? Агар, ичимизда «параст»лар бўлмаганида, бу куйдирги шунчалик маддалаб кетармиди? Муҳаммад Солиҳнинг газетаси 1992 йилнинг апрелида наманганлик «адолат»чиларни ҳимоя қилиб, бу жиноий гуруҳни улуғлаб чиққан. Нима эмиш, Тоҳир Йўлдош ва унинг гуруҳи адолат ўрнатаётган эмиш! Нима эмиш, ҳукумат уларга кун бермаётган эмиш!

«Уюшма жуда хавфли жиноятчилар гуруҳи эмас, деб ёзади газета. Уюшма шаъ-нига кўп гаплар айтилмоқда. Жабрдийдалар ҳам кундан-кунга кўпаймоқда, натижада халқ ичида бўлар-бўлмас миш-мишлар тарқамоқда».

Бир сўз билан айтганда, газета: Бу гуруҳга тегмангилар, улар билган ишини қилсин! — деб дағдаға қилади. Шубҳа йўқки, бу мақола ўша пайтда кўпчиликни чалғитган, ҳукуматга қарши кайфият уйғотган. Чунки Тоҳир Йўлдош ўзини ваҳҳобий, деб атаган. Ваҳҳобий нима эканлигини ҳали ҳеч ким билмасди. Қолаверса, Тоҳир Йўлдош ва унинг гуруҳи шу ном остида содир этган ўнлаб қотиллик, талон-торож ва босқинчилик каби ўта оғир жиноятлар ҳали тўлиғича элга ошкор қилинмаган эди. Мана шундай бир вазиятда газета жиноий гуруҳни қўллаб юборишга, рўй-рост айтадиган бўлсак, янги жиноятларга йўл очишга уринган, халқнинг кўзига чўп солган. Модомики, гап «Адолат», «Тавба» жиноий гуруҳлари фаолларига келиб тақалган экан, айрим ҳақиқатларни айтиб ўтиш жоиз бўлади. Ўша гуруҳларга мансуб бўлган, бешта қотиллик содир этган «Жўра» лақабли жиноятчи Муҳаммад Абдураҳмонов ўз иқрорномасида шу мазмунда гапиради: — «Динга ихлосим баланд эди. Улар мени ўзларига қўшиб олишди. Биз бой-бадавлат одамларни талаб, пул йиғамиз, шу пулга қурол олиб, кейин давлат қурамиз, дейишди. Биринчи борганда, сен йўлга қараб тур, деб мени кўчада қолдиришди, аммо таланган нарсалардан менга ҳам беришди. Кейинги сафар қотилликда иштирок этдим, кейин яна, яна...»

У ислом дини ниқоби остида етти йил «амалиёт» билан шуғулланган, яъни одам ўлдирган, талон-торож, босқинчилик қилган. Еган-ичган, қўша-қўша хотин олган. Бу ҳам етмагандек, ёшларни йўлдан оздириб, ўз сафига тортган. Янги ва янги жиноятчилар етиштирган. Уларни Чеченистон, Тожикистон, Афғонистонга — қўпорувчилар тайёрлайдиган ҳарбий лагерларга жўнатган.

Нега?

Ўзи гуноҳга ботганлигини у жуда яхши билади. Шунинг учун ўзига ўхшаганлар кўпайишини истайди. Балки диний ақидапарастликка асосланган давлат қурсак, жазодан қутулиб қолармиз, деб умид қилади.

Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдошнинг ҳам дардификри шу!

Биров «ҳизби таҳрир» дейди, биров «баҳовий»лик, биров «ваҳҳобий»лик...

Сиртдан қараганда, айрим ёшлар ҳанафийликка ёт бузғун оқимларга қизиқиб қолгандек. Аслида эса, бу — ислом динини ниқоб қилиб ўта оғир жиноятлар содир этган, бугун қонуний жазодан қочиб чет элда улоқиб юрган Тоҳир Йўлдош ва у билан тил бириктирган учтўрт риёкорнинг қаллоблиги, холос. Улар **иккинчи Каъбатулло** деб ном чиқарган Ўзбекистонда ўзларига ўхшаган одам ўлдириш, талон-торож, босқинчилик қилиш ҳисобига яшайдиган «амалиёт»чиларни, яъни чинакам жиноятчилар тўдасини юзага келтиришди. Жиҳод деганда улар мамлакат миқёсидаги қирғин ва талон-торожни, давлат қурамиз, деганда эса содир этган жиноятларига яраша жазодан қочиб қутулишни кўзда тутишади. Аслида бу жиноятчиларнинг мўътабар динимизга зиғирча ҳам алоқаси йўқ! Фақат ўз интилишларини ислом дини билан ниқоблайди, холос. Уларнинг юзидаги ниқобни олиб ташлаш ва ўз номи билан аташ керак: қотиллар, босқинчилар, террористлар.

16 февраль воқеаларининг ташкилотчилари ҳам уларга **«портлатишлик, ўлдиришлик, террор қилишлик билан ҳокимиятни босиб оламиз»**, дейишган...

16 февраль воқеалари туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар қурбон бўлди, қанчадан-қанча оилаларга оғир мусибат етди.

Мудҳиш оқибатларни келтириб чиқарган бу ёвуз режа «хўш, қаерда туғилган?», деган савол пайдо бўлиши табиий.

Тўқсонинчи йилларда айрим «туркпараст»лар ҳам кўпларнинг бошини айлантирган. Хўш, туркларнинг ўзи Ўзбекистонни «Ота юрт» деб шарафлаб турган бир вазиятда улар ўзини «туркпараст» кўрсатиб, ялтоқланишига нима зарурат бўлган?

Ҳар қандай ҳаракат замирида муайян мақсад ётиши ҳеч кимга сир эмас. Аммо пинҳоний ниятнинг портлаб юзага чиқиши учун вақт керак бўлади. Кўнглингдаги ниятни чиройли гаплар билан ҳар қанча ниқобламагин, хатти-ҳаракатинг барибир уни ошкор қилади. Дунёда сирлигича қоладиган тилсимотнинг ўзи йўқ. Пайти келиб, ҳар қандай кирдикор устидан Вақт ҳукм чиқаради.

Ҳаммамиз ҳам Туркияни кўнглимизга яқин оламиз, сарҳадлар ортида шундай қардошларимиз бор деймиз, орқаин бўламиз. Аммо қабиҳлик тажовуз қилганида масалага очиқ кўз билан қарайсан.

Агар Муҳаммад Солиҳ судланишдан қочиб, Туркияга ўтгач, Истанбулнинг паноҳида ўзини «миллатпарвар», «демократ» кўрсатиб, «Би-Би-Си» орқали, оқни қора, қорани оқ деб сафсата сотиш билан чекланганида бу гапларни ёзиб ўтиришга ҳеч бир ҳожат бўлмас эди. Лекин бу аламзада «амалиёт»га ўтди-ку! Таълим олсин деган яхши ният билан Туркияга юборилган қанчадан-қанча талабаларимизни Истанбулда туриб йўлдан оздирди. Айримлар буни: «Ёшларни у ўз сиёсий жабҳасига тортган», — деб талқин қилишга уринади. Хўш, у ёшларни ўзининг қандай «сиёсий» жабҳасига тортган?

Қашқадарё вилояти ва бошқа ҳудудлардан гумаштали ёрдамида: «Сизларни ўқитамиз, тижоратчи

(Давоми 2-бетда)

Илон уяси

(Давоми. Боши 1-бетда)

қиламиз!» — деб қанчадан қанча ёшларни алдаб Туркияга олиб борганини бугун ким билмайди? Уларни мажбурлаб жангариликка ўргатгани, ёшлар норози бўлиб: «Уйимизга кетамиз!» — дейишганида, «Кетсанг, уйингга соғ бормайсан!» — деб қўрқитгани кимга қоронғи? «Миллатпарвар» «демократ шоир»нинг ўзи мина портлатиш, автоматдан ўқ узишни уларга ўргатгани-чи? 16 февраль куни халқимизнинг бошига ёғилган балонинг бир илдизи мана шу «сиёсий» жабҳага бориб тақалмайдими? Бундай «жабҳа»нинг фаолият бошлаши яхшиликдан далолат эдими? Хўш, улар кимни отиши, кимга қарши қўлига қурол олиши керак бўлган? Нега? Нима учун?

Ота-онаси, қариндошуруғи, ёру биродари, туғилиб ўсган Ватанини ташлаб, ўзидан-ўзи чет элга қочиб кетадиган одам ер юзида топилмаса керак. Ё бир оғир жиноят содир этмаса, ё юзи қаро бўлиб элдан чиқиб қолмаса, мажбур бўлмаса, одам туғилган жойидан бир қадам нарига жилгиси келмайди. Айниқса ерпарвар, элпарвар ўзбекнинг. Халқимиз бағрикенг, кечиримли халқ, унчамунча хато қилганни кечиради. Лекин бошқа бир тоифа бор — жиноят содир этган, қочишга маҳкум. Шу тоифанинг аксарияти бориб Истанбулдан паноҳ топган. Бу ўринда гап бир Муҳаммад Солиҳ ҳақида эмас, балки 1997 йилга келиб, Муҳаммад Солиҳ қўшилиб кетган қора кучлар тўғрисида ҳам бораяпти. Улар 16 февраль воқеаларининг ташкилотчилари билан ижрочилари орасида бўғчининг мокисидай зир қатнаган. Бир оёғи у мамлакатда, бир оёғи бу мамлакатда, ҳамтовоқлари содир этган жиноятларни «ёпишган», янги жиноятларга йўл очишган. Ҳамиша қалбаки паспорт билан юришган.

Ҳайрон қоласан киши: Истанбул қандай қилиб шундай бузғунчиларни бағрига олган? Наҳотки уларнинг кирдикоридан бехабар қолган?

Қардошларимиз: — Биз очиқ давлатмиз! — деб эътироз билдиришлари табиий. Лекин биз ҳам жўн гапларни айтаётганимиз йўқ. Муҳаммад Солиҳ қоралама кўтариб борса ёхуд суҳбат қилайлик деса, Туркия нашрлари: «Кеча мустақилликка чиққан ўз Ватанингиз шаънига номуносиб гапларни ёзиб юрибсиз, кўйинг, бундай қилманг», дейиш ўрнига «Нега уни чоп этди?», деяётганимиз йўқ.

Ҳолбуки, бу ҳам бошқа бир давлатга сиёсий таъсир кўрсатиш ҳисобланади.

Тўғри, бундай ҳаракатларга ҳамиша қалқон топилади: «демократия». «Очиқ давлат», «Инсон ҳуқуқлари...». Аммо 16 февраль воқеалари ана шундай «қалқон» остида бошланмадими? Президент ҳаётига суиқасд қилиш, амалдаги конституциявий тузумни ағдариш ва ҳокимиятни босиб олиш ҳаракати Истанбулда юзага келмадими? Муҳаммад Солиҳ Тоҳир Йўлдошнинг пинжига Истанбулда суқулмадими? Террористик акт режаси шу ерда туғилмадими? Бир кун эмас,икки кун эмас, ойлаб шу ерда йиғилишлар бўлмадими? Нега бу ёвуз кирдикорга бизнинг айрим турк «қардош»ларимиз ҳам аралашиб юрибди? Буни Истанбул билмасмиди? Ғафлатда қолган эдими?

Биз қардош турк халқини ниҳоятда қадрлаймиз. Бир юздаги икки кўз каби яқинмиз. Демирэл жаноблари: **«Ким Каримовнинг душмани бўлса — менинг душманим, ким Ўзбекистоннинг душмани бўлса— Туркиянинг душманидир»,** — деб айтган гапларнинг самимийлигига ишонгимиз келади. Лекин аччиқ бўлса-да айтиш керакки, қайси бир очиқ давлат ўз ҳудудида бошқа бир дўст давлатга, халққа қарши қўпорувчилик тайёрланишига йўл қўйиб беради?

Абдураҳмон полвон лақабли еттита қотиллик содир этган каллакесар Козим Зокировнинг Истанбулда Муҳаммад Солиҳ билан, Муҳаммад Солиҳнинг қўли қон Тоҳир Йўлдош билан, Тоҳир Йўлдошнинг қонхўр Жума Намангоний билан оғиз-бурун ўпишиб юриши, уларнинг атрофида ўнлаб террористлар бўзчининг мокисидай айланиши, биласизми, нимани ёдга солади? Кўклам қуёши ерни қиздира бошлаган пайтда эски тегирмон ёнига ҳеч борганмисиз? Борсангиз, совуқ ялтираб ётган алламбало ваҳми ҳушёр торттиради. Тикилиб қарасангиз, иссиқ ўтиб жон кирган, ғимирлаб қолган беҳисоб илонлар ўрамини кўрасиз! Бу жой аллақачон илон уясига айланиб кетганидан сесканасиз!

16 февраль воқеалари ҳақида ўйлаганда беихтиёр Истанбул, Истанбул ҳақида ўйлаганда эса, шу илон уяси ёдга тушади, бир-бирига чирмашиб тўлғонаётган илонлар ваҳми кишини сескантиради.

Биз эса қардошларимизнинг Истанбул шаҳрини бошқача кўришни истаймиз.

Асадулла ХАҚНАЗАР

Суиқасд юзасидан очилган иш

Анқара Давлат хавфсизлик суди прокурори Нуҳ Мете Юксел фаолияти тақиқланган «Рафоҳ» партиясининг собиқ раҳбари Нажмиддин Эрбакан устидан Ўзбекистонда қилинган террористик фаолиятга алоқадорлиги юзасидан жиноий иш очди. Юксел Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга қарши суиқасд ҳаракатида иштирок этишда айбланаётган шариатчи лидер Тоҳир Йўлдошевга Нажмиддин Эрбакан 1997 йил 2 июлда 100 минг доллар берганлиги ҳақидаги даъвони аниқлаш учун тергов бошлади.

Прокурор Юксел адлия вазирлиги орқали Ўзбекистонга мурожаат қилиб, бу ишга тегишли кассета, маълумот, ҳужжатларни юборишни сўрамоқчи, суиқасдда иштирок этган ва 200 килограмм динамитни белгиланган жойга олиб борган Рустам Маматқуловнинг бу даъвоси баён этилган ТВ дастури кассетаси ҳам Ўзбекистондан сўралади. Прокурор Юксел Туркия Жиноят кодексининг 146/1 моддасида кўрсатилган «конституциявий тузумни ағдаришга уриниш» айби юзасидан Эрбаканга қарши жиноий иш қўзғади.

Юксел Нажмиддин Эрбаканнинг шариатчи лидерларга кўрсатган молиявий ёрдамини унга қарши очилган жиноий ишда асосий далил сифатида келтирмоқчи. Ўзбекистондаги суиқасд ҳаракатлари билан боғлиқ даъволарнинг Эрбаканни оғир аҳволга солиб қўйганлиги ва унинг шариатчи-террорчилар билан алоқалари исботланганлиги суд доираларида таъкидланмоқда. Юксел агар лозим бўлса Туркия томонидан тутиб берилган Рустам Маматқуловнинг ўзи билан ҳам учрашиб, уни сўроқ қилиш ниятида. Суиқасд ҳаракатининг раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг одами бўлган Маматқулов, Ўзбекистон томонининг баёнотларига кўра, 200 килограмм динамит ортилган юк машинасини портлатиш учун Каримов келган Хавфсизлик вазирлиги биносига ҳайдаб келган кишидир.

Эрбакан бу даъволарга қарши сукут сақламоқда. Аммо Фазилат партияси лидери Режаи Кутан (Эрбаканнинг издоши) бу борада шундай жавоб берди: «Ёлғон, ақлга тўғри келмайдиган, мантиқсиз даъволар. Бўлмаган бир воқеани бўлган деб кўрсатишга уринаётган ички ва ташқи баъзи кучлар бор. Шу сабабли биз бундай даъволарни жиддий деб ҳисоблаймиз.»

(Туркияда чиқадиган «Ҳуррият» газетасидан (1999 йил 5 июль) таржима қилиб босилди).

«Февраль воқеалари» фильмидан сўнг...

Хоинлар ниқоби йиртилди

Телевидение орқали берилган «Февраль воқеалари» фильмини ҳамма кўрди. Уларнинг бошлиқларини, жирканч башаралари эл кўзида намоён бўлди. Уларнинг ҳукуматни куч билан олиш, амал курсисига эга бўлиш ва бунинг эвазига халқни қон-қақшатиш мақсади борлигини халқ тўлиқ тушуниб етди. Жиноятчи тўда тергов бераяпти. Уларнинг биттаси: «Мен Муҳаммад Солиҳ, Жума Намангоний билан учрашдим,- деяпти. Шунда Муҳаммад Солиҳнинг биринчи айтгани шу бўлади: ПРЕЗИДЕНТ ТИРИКМИ?» ва энди ниятига етолмаслигини гапиради. Мана уларнинг асл башараси! Одам боласи эмас улар! Менинг назаримда ҳеч қандай сиёсатчи ҳам эмас, бор-йўғи палид!

Ахир ўз халқини, ватанини дунёга ёмон отлиқ қилиш учун сирти одам, ботинида ҳайвонлар яшириган бўлиши керак. Бу ифлосларнинг нияти ҳукуматни олиш экан. Одамлар тушуниб етди. Қолаверса, улуғ исломни ҳақорат қилишди.

Олдин ҳам битта ватан амирликларга бўлинган эди. Юрт ҳароб, одамлар кўчманчи эди ўшанда. Оға-инилар ўртасида қирғинбарот жанглар бўлиб турарди. Соҳибқирон Амир Темур юртни бирлаштирди. Мамлакат юксалди. Дунё ўшанда ҳам тан олганди бизни. Сўнг яна амирликлар, чоризм босқини, қулга айланган халқ. Ҳаммасини кўрдик-ку! Эл бахтига, Ватан равнақига Ислом Каримов Президент бўлди. Юрт яна бирлашди. Дунё тан ола бошлади, эътироф этди бари.

Ўзини амир деб атаётганлар нимани исташаяпти ўзи? Яна элни пораканда қилишними? Яна халқни кимларгадир қул қилиб боғлаб беришними? Ҳали она сути оғзидан кетмаган бу гўдаклар, тасаввури занг тортган бу мишиқилар иқтисод, сиёсат, ташқи муомала нималигини биладиларми ўзи? Ёки ҳукуматни эгалласа ҳаммаси ўз-ўзидан бўлаверади, халқ бизни қўш қўллаб қабул қилади деб ўйлашадими?

Мен фильмни кўриб ўз-ўзимга шундай савол бердим. Ва ишондим, бизни ҳеч ким енголмайди! Халқ ўзлигини англай бошлади. Оқ-қорани таний бошлади. Душман ким, дўст ким етти ёшдан етмиш ёшдагиларгача ҳис қилаяпти, англаяпти.

Бизнинг келажагимиз албатта буюк бўлади. Биз ўз озодалигимизни, эркимизни бермаймиз, ҳеч кимга! Бизни ўз йўлимиздан, танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтаролмайди!

Нормамат МАЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти.

Хиёнатни оқлаб бўлмайди

Қадимдан бир афсона бор: юртга ёв бостириб келиб, пойтахтни қамал қилади. Аммо, душманлар қанча уринмасинлар қалъани забт этиша олмайдилар. Чунки, қалъада сув ҳам, озиқ-овқат ҳам мўл экан. Ёв қўшини охири чарчаб, умидсиз бўлиб, бу ерни тарк этишга шайланганида ногаҳон бир хоин катта маблағ ва амал эвазига шаҳарга олиб кирадиган махфий лаҳмни ошкор этибди ва ёв пойтахтни босиб олибди. Шунда мукофот таъмаида ялтоқланиб турган хоинга ёв саркардаси:

— Ўз юртига хиёнат қилган одам бизга садоқат кўрсатадими? Сен ўлимга лойиқсан, — дебди ва уни қатл эттирибди.

16 февраль куни Ватанимизга, юртбошимизга қўл кўтарган сотқинлар ҳақида ўйларканман шу афсона ёдимга келади. Оллоҳ инсон юрагига аввало она юрт муҳаббатини солади. Унга хиёнат қилиш Оллоҳни тан олмаслик билан баробардир. Зеро, «Ватанни севмоқ иймондандир» деган эканлар пайғамбаримиз. Бу ўта чуқур ҳикмат. Уни англамаганлар, унга қарши борганларни Оллоҳ лаънатлайди. Хиёнаткор у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам тавқи лаънатга ботгай. Ўз юртига, ўз қуёшига қўл кўтарганларни халқ кечирмайди. Уларга маблағ, қурол бериб юртига ўт қўйишга ундаган кимсаларнинг ўзлари ҳам бу хиёнаткорлардан аслида нафратланишади.

Тожиқул ҳожи ЖЎРАЕВ,
Фарғона шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 6 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	83,55	10 Люксембург франки	31,78
1 Австрия шиллинги	9,32	1 Малайзия рингги	32,98
1 Англия фунт стерлинги	197,22	1 Германия маркаси	65,55
10 Бельгия франки	31,78	1 Польша злотийси	31,98
1 Голландия гульдени	58,18	1 СДР	167,53
10 Греция драхмаси	3,95	1000 Туркия лираси	0,30
1 Дания кронаси	17,25	1 Финляндия маркаси	25,56
1 БАА дирхами	34,12	1 Франция франки	19,55
1 АҚШ доллари	125,30	1 Швейцария франки	79,91
1 Миср фунти	36,74	1 ЕВРО	128,21
10 Испания песети	7,71	10 Жанубий Корея вони	1,08
100 Италия лираси	6,62	10 Япония иенаси	10,36
1 Канада доллари	85,19	1 Россия рубли	5,16
1 Хитой юани	15,14	1 Украина гривнаси	31,74

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Андижон томонларда олтин бошоқ тўйи

Бундай сарлавҳа қўйишимизнинг боиси бор албатта. Ахир, ғалла эл-юрт насибаси, Ватан мустақиллигининг нишонаси. Ғалланг бўлса — қўшиқ ҳам оғиздан тушмайди, деб бежиз айтмайдилар.

Ҳар йили айни ёз пайтида шу нарса такрор бўлади. Ғалла пишиб етилгач, далалар ҳақиқий тўйхонани эслатади.

Кўпнинг тўйи, элнинг тўйи. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда Андижон вилояти ғаллазорлари одамлар билан гавжум. Механизатор-у оддий ишчилар ғаллазор бағрида жавлон урмоқдалар. Улар куннинг жазирамасига қарамай, юрт насибасини йиғиштириб олиш мақсадида ҳалол тер тўкмоқдалар. Улкан «Кейс»лару «Нива»лар шовқини тинмайди. Бўлиқ бошоқлар тезда йиғиштирилиб хирмонга жўнатилмоқда.

Шаҳрихон тумани далаларида бўлганимизда ана шундай қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўлдик. Миришкорлар ҳосилни тез, сифатли саранжомлаб олишмоқда. Масалан, Т. Саримсоқов номли жамоа хўжалиги миришкорлари ўрим-йиғимни вилоятда биринчилардан бўлиб бошлаб юборишган эди. Улар яқинда давлатга ғалла сотиш йиллик режасини ортиғи билан уддаладилар. 24 гектарлик бўғдойзорга комбайнчилардан Худойберди Содиқов билан Тиловолди Ҳасановлар ўз «Кейс»ларини олиб киришганди. Ана шу майдон бир куннинг ўзида ўриб бўлинди. Ўша куни ижарачи Қўчқорали Абдуллаев, туман ҳокими Муҳаммаджон Раззоқов, жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ўрмонжон Бозорбоев, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Исроилжон Жўраевлар механизаторларни муваффақият билан табриклашди. Бошоқларни кўздан кечиришди. Баъзи бошоқда 45 та, баъзиларида эса 50 тадан зиёд бўғдой доналари борлиги аниқланди.

Исроилжон Жўраевнинг айтишига кўра, бу ерда бўғдойнинг сара, ҳосилдор навлари етиштирилибди. «Купава», «Половчанка», «Уманка» сингари навлари мўл ҳосил берганлиги маълум бўлди. Яхши нав экишнинг хосияти бор, албатта. Лекин экинни меҳр билан парвариш қилишга ҳам кўп нарса боғлиқ. Шу боис ҳам ғаллазорларни бутун мавсум давомида яхши озиқлантиришга эътибор берилди. Вақтида суғорилди. Ана шу омиллар туфайли ҳосил ўрим-йиғимига ҳам ўтган йилгидан 4-6 кун илгари киришилди. Аниқ тадбирлар кўрилганлиги ҳисобига туман бўйича 6486 гектар майдонга экилган бўғдойзор ҳосили 20 кунда ўриб-янчиб олинди.

Куни кеча вилоят бўйича хушхабар тарқалди. Улуғнор ва Бўз туманлари ғаллакорлари давлатга ғалла сотиш йиллик шартномасини ортиғи билан уддалашди. Ўйлаймизки, яқин кунлар ичида бутун Андижон вилояти ғаллакорлари ҳам ана шундай муваффақиятга эришадилар.

Суратларда 1. Бўз туманидаги Маннон Жалолов номли жамоа хўжалиги раиси Мухтасархон Зокирова ҳосил чўғидан мамнун. 2. Улуғнор туманидаги «Оқ олтин» ширкатлар уюшмаси тракторчиларидан Адҳамжон Фозилов, Орифжон Жўраев, Тожиддин Асқаровлар лаззатли тушликдан шод. 3. Ўрим пайти.

Х. АРАББОЕВ ва А. ҚОДИРОВ олган суратлар

Миллат ва ёшлар

Бадиий таълим: истиқбол ва муаммолар

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузаларида «Бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ» деб бежиз айтмаганлар.

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётида бадиий таълимнинг ўрни жуда каттадир. Бундай таълим борлиқни тўлақонлик ва мушоҳадали тушунишга, воқеликка ижодкорона ёндошишга ҳамда уни гўзаллик, инсонийлик қонунлари асосида қайта қуриш ва ривожлантириш туйғуларини ўстиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳудудида бадиий таълим тизими қадим замонларда шаклланган. Лекин, ҳудуддаги бадиий таълим тизимининг янги босқичи XIX аср иккинчи ярмидан шаклана бошланиб XX асрнинг 20-25 йилларидан кенг ривожланган бўлса ҳам унинг янги босқичи Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейин бошланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақидаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори чин маънода Ўзбекистон бадиий таълимида инқилобий ўзгаришларни бошлаб берди. Бадиий таълимнинг қуйи босқичидан тортиб ўрта махсус ва юқори босқичларигача қайта кўриб чиқиш жараёни бошланди. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида олиб борилаётган ишлар хусусияти ва йўналишлари бўйича шу таълим тизимидаги ўзгаришлардан далолат беради.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илк бор 1954 йили ҳукумат қарори билан Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти қошида бадиий факультет сифатида ташкил этилган эди. Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармондан кейин ана шу факультет замирида 1997 йил 22 апрелда мустақил олий даргоҳ ташкил топди.

Бозор иқтисодиёти бадиий таълим тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шу соҳада бозор иқтисоди шароитида ишлай оладиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, нафақат касбий малакаси юқори ва мафкуравий соғлом кишиларнигина, балки иқтисодий жараёнларда фаол иштирок эта оладиган кадрлар зарурлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Институтни битирган талаба халқ хўжалигининг турли тармоқларида – саноат корхоналари,маърифий, маданий ва ижтимоий муассасаларда ишлай олиш, талабига қараб ўз йўналишининг янги қирраларини ишга сола олиш имкониятларига эга бўлиши зарур. Мустақиллик шароитида жамиятимиз учун зарур бўлган етук кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим бўлиб қолди. Жумладан институт ташкил этилгунга қадар рассом, хайкалтарош ва амалий санъатнинг бирор тури бўйича малакали олий маълумотли мутахассис тайёрланган бўлса, бугунги кунда саноат корхоналари учун зарур бўлган лойиҳачи рассомлар, дизайн усталарини тайёрлашга эътибор кучайтирилмоқда. Маълумки, ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси, муассаса ва маъмурий, маданий марказлар юқори малакали бадиий таълим олган мутахассисга муҳтож. Шу ўринда Болтиқбўйи республикаларидан бирида бўлиб ўтган «Рассом ва бадиий муҳит» мавзусидаги халқаро анжуманни эслагим келади. Шу анжуманда шаҳар бош рассоми нутқ сўзлаб кўча ва хиёбонлар, майдон ва бекатлар рассомларга бириктирилгани ва шу ерларда бўладиган турли ўзгартиришлар фақат рассом рухсати билан амалга оширилишини, бу тадбир шаҳар муҳитини соғломлаштириб уни обод ва озода бўлишига катта таъсир ўтказаётганини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам шаҳар кўча ва хиёбонлари, ҳар бир муассаса ва корхонанинг ўз рассоми бўлиши керак. Бу давр тақозаси. Мустақилликка эришгандан кейингина ўлкамиз хом ашё базасидан жаҳон бозорига тайёр саноат моллари етказиб берадиган давлатлар қаторига ўтиб бормоқда.Ташқи бозорга чиқадиган ҳар бир буюм жаҳон андозасига жавоб берадиган дизайнерлик ечимидаги буюм тарзига келтирилиши керак. Эндиликда бизга машиналарнинг янги моделларини ярата оладиган, янги мебеллар, жаҳон андозасига мос тўқимачилик матолари, либос,пойафзалларни чиқаришга таъсир эта оладиган лойиҳачи рассомлар зарур.

Ҳозирги олий бадиий таълим жараёни санъат бозорини шакллантириш, маркетинг, менежмент масалаларини кўриб чиқишни ҳам тақоза этади. Туризм кенгайган сари хизмат маданиятини кўтариш, аниқроғи музей хизматини бугунги кун талаби асосида шакллантириш зарур. Музейшунослик маданиятини кўтариш, замонавий музей экспозицияларини яратиш, шу борада социологик тадқиқотлар, услубий қўлланмалар ишланиши муҳим масалалардандир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Музей ишлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги қарори ҳам шунга қаратилгандир.Бу институт жамоаси олдидаги шу соҳани янада кенгайтириш ва ривожлантириш, ўқитиш тизимининг истиқболли йўналишларини кўриб чиқишни талаб қилади.

Юқорида кўрилган масалалар борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан соҳа ва йўналишларнинг янги, бугунги кун талаби асосида ўқув режалари лойиҳалари ишланди, дастур ва қўлланмалар борасида қатор тадбирлар белгиланди. Янги ихтисосликларга талабалар қабул қилиш, янги очилган ихтисосликларни мутахассислар билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга муаммолар ҳам етарли. Айрим соҳаларни кадрлар билан таъминланиши ёки қайта тайёрлаш масалалари мавжуд. Моддий техника базасини кучайтириш, ишлаш учун зарур иш жойларини талаб даражасига келтириш, ўқув хоналарни замонавий техник воситалар билан таъминлаш муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда. Буларнинг мавжудлигини инкор этмаган ҳолда (булар институтнинг ички ва жамоанинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилиши мумкин бўлган масалалар) қатор муаммолар борки, уларни алоҳида эътироф этиш керак. Гап шундаки институт мамлакатимизга санъат борасидаги ижрочиларни эмас, балки ижтимоий ҳаётда фаол иштирок эта оладиган ижодкорларни тайёрлашни ўзининг бош мақсади деб билади. Институтнинг салоҳияти ҳам шунда. Бу масала бадиий таълим тизимидаги ҳамма босқичларнинг узвийлигини, бошланғич ва ўрта бадиий таълим тизимидаги изчилликни тақозо этади. Ҳозирги кунда бадиий таълим тизимидаги қуйи, ўрта ва юқори босқич тизимида бирмунча бўшлиқлар мавжудлигини эътироф этиш зарур. Буни ўтган ўқув йили институтга абитуриентлар қабул қилиш натижаларида кўриш мумкин. Ўтган ўқув йили институтга абитуриентларни қабул қилиш режаси тўлиқ бажарилмади. Контракт асосида талабаликка қабул қилиш режаси ҳам паст даражада бўлди. Бунда фақат институт жамоасининг тарғибий-маърифий ишларни суст олиб борилганлиги эмас, балки юқорида кўриб ўтган қуйи ва юқори таълим тизимидаги номувофиқлик, деб қараш керак. Чунки институтга санъат борасида маълум график малакага эга бўлган, иқтидори бор ўқувчилар қабул қилинади.

Юқорида қайд этилган муаммолар бадиий таълим йўналиши нафақат Ўзбекистон Бадиий академияси ва унинг тасарруфидаги Камолиддин Беҳзод номли миллий рассомлик ва дизайн институти зиммасига балки, олий ва халқ таълими зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Фақат таълим тизимидаги ҳамма гуруҳлар мувофиқ тарзда бир мақсад йўлида ҳаракат қилганларидагина кўзланган марраларга эришиш мумкин. Шу ўринда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг биринчи ректори марҳум профессор Н.Ойдиновнинг саъй-ҳаракати билан тузилган бадиий таълимнинг марказлашган мувофиқлаштирувчи кенгаши таълимдаги муаммоларни бартараф қилиш, шу борадаги кучларни йиғиш асосида бадиий таълимни янги поғонага кўтаришга қаратилган тадбирлардан эди. Биз янги асрга қадам қўймоқдамиз. Бу аср маънавият асридир. Маънавиятни эса бадиий тарбиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таълимдаги муаммолар қанчалик эрта ҳал этилса у шунчалик эрта ўз самарасини беради.

Неъмат АБДУЛЛАЕВ,
К. Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг ўқув ишлар бўйича проректори, профессор.

БУЮК СИЁСАТЧИ ВА ИСЛОҲОТЧИЛАР

ИСЛОҲОТНИНГ ЮЗ КУНИ

Франклин Делон РУЗВЕЛЬТ:

Мен Оқ уйга ногиронлар аравачасида келдим, Америка ҳам ногирон эди. Мен ногиронлигимча ўтиб кетаман. Лекин Америка оёққа туради.

Биринчи жаҳон уруши фақатгина Европага эмас, бутун дунё тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Бу уруш шунчаки тугамади, урушқоқ давлатларнинг гегемонлигини уйғотиб қўйди. Жаҳонга ҳокимлик орзуси куртак ота бошлади. XX асрнинг 20-йилларига назар ташланг: Япония ҳарбий қудратининг ортиб бориши, Хитойда социализм дарахтининг барг чиқариши, Ленин сиёсатининг қонли ғалабалари, Германиядаги шубҳали шарпалар ер юзида нимадир содир бўлишидан дарак берарди. Мунажжимларнинг башоратига кўра, коинот жисмларидаги ўзгаришлар, буржлар алмашинуви ердагиларнинг руҳига қувват бераётган эди. Лекин ерликлар ушбу қувватни қандай сарфлашди? Қайси йўлда фойдаланишди? Энг муҳими шу эди.

Дунёаро бошланган инқироз Америка ни ҳам четлаб ўтмади. Асримизнинг йигирманчи йиллари ҳақида гап кетганда олимлар, давлат тепасига келган республикачиларнинг ўн йиллик фаолиятини «Калвин Кулиж даври» деб баҳолашади. Гарчи, мазкур йиллар «Юксалиш эраси» дея эътироф этилса-да, ишлаб чиқаришдаги тисланиш, молиявий муомаладаги айёрликлар сабаб юқори табақанинг бойиб кетиши, Нью-Йорк бошпанасиз, ҳимоясизлар билан тўлиб бораётганлиги ҳам олимлар назаридан четда қолмади. Кейинчалик Рональд Рейган: «Америка ўзининг бутун тарихида юксалиш босқичини бошидан кечирди», дея эътироф этганида, балки дарахт қанчалик қоронғуликка экилса, шунчалик нурга интилиб, тўғри ўсишини назарда тутгандир. Шу ерда айтиб ўтиш жоиз, Европа ва Осиёни аста-секинлик билан қамраб олаётган уруш олови Америкага соя солди. Шунинг учун ҳам икки уммон ўртасидаги давлатда оғир саноат тезкорлик билан ривожланиб борди. Янги технологиянинг модернизация қилиниши 1923-29 йилларда пўлат ишлаб чиқаришни 49 миллиондан 61,7 миллион тоннага, нефть қазиб олишни 732 миллиондан 1.007 миллиард тоннага, электроэнергияни 71,4 миллиарддан 116,7 миллиард квт.га олиб чиқди. Айниқса, автомобиль саноатининг такомиллашуви жаҳон бозорида талаб даражасини оширди. Лекин бу ўзгаришлар ички емирилишга ҳам сабаб бўлганини эътироф этиш жоиз. Қишлоқ хўжалиги, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар сони кун сайин камайиб борди. Масалан, аҳолининг 22 фоизини ташкил этувчи фермер оилаларнинг 1920 йилдаги миллий даромади 15 фоизни ташкил этган бўлса, саккиз йилдан кейин тўққиз фоизга камайиб кетди. 1929 йилга келиб қишлоқ аҳолисининг йиллик даромади 273 доллар, шаҳарликларники эса 750 доллар эди.

Буларнинг бари Нью-Йорк нон шаҳрига айланиб бораётганини кўрсатарди. Аммо барчанинг шаҳардан иш топиши қийин эди. Мамлакат бўйлаб бошпанасиз, моддий таъминотсиз аҳолининг сони ортиб борди. Ишсизликни оширган нарса яна шу бўлдики, Америка бутун қитъалар учун очиқ мамлакат эди. Биринчи жаҳон уруши даврида азият чекканлар, жон сақлашни истаганлар, мағлуб бўлганлар «бедарвоза» мамлакатга қараб қанот боғлашганди.

Ер шарида юз бераётган воқеалар нимадир содир бўлишидан дарак берарди. XX аср таҳликали бошланганди. Ер юзидаги барча қитъаларда қашшоқлик ҳукм сурарди. Саноат ҳарбий техникага асосланган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзон гаровга олинар, баъзан олаётган муассаса билан сотгандан кейин тўлов шартномалари имзоланарди. Руҳ қуввати ҳеч бир сиёсатдонни халқ тарафга бошламаётган эди. Франклин Делон Рузвельт бундан усталик билан фойдаланди. Рузвельтнинг сиёсий доирага кириб келиши хурсандчилик билан бошланмади, 1921 йилдаги мағлубият, оғир хасталик фалаж қилиб қўйди, икки оёғи ишламай қолди. Эндиликда ногиронлар аравачасида юришга мажбур эди. Франклиннинг олий табақадан жой олишига ҳеч ким ишонмасди. Уни эътибордан четда қолдиришганди. Балки шундан кейин сиёсатдон бўлишга қаттиқ киришгандир.



Ф. Рузвельт мансуб Демократик партия миллий қўмитасининг янги пайдо бўлган раиси Жон Раскоб: республикачилар бошлаган ёрғуликка биз ҳам бошлай оламиз, дея ҳукмрон партиянинг йўлини тутди. Улар ўртасидаги фарқни эса қуйидагича баҳолади: «Демократлар ичимликлар тарафдори эди. Ичимликларсиз сиёсатни бекор қилишни истарди. Республикачилар ичимликларсиз сиёсатининг намоёндалари эди». 1929 йилда эса Жон Раскоб Қўшма Штатлардаги энг оммавий-сиёсий журналлардан бирида: «Ҳар ким бой бўлиши шарт» номли мақола эълон қилади. Сиёсий доирада бир қадар обрўйини оширишни истаган шахс учун кутилмаганда салбий натижа берди. Рузвельт учун эса очиқ эшиклар сари яна бир қадамга йўл қисқарганди. Ҳамма миллионер бўлиши учун юқори ва қуйи табақа ўртасида тенглик бўлиши керак эди. Лекин Брукингс олийгоҳининг маълумотига кўра, 1929 йилда олий табақа оиласининг умумий олий табақадаги 0,1 фоиз даромади нарвоннинг пастки табақасидаги оилаларнинг 42 фоизининг даромадига тенг эди. Бу ўз-ўзидан фуқаролар ўртасида норозилик уйғотганди. Вақт Франклин фойдасига ишлаётган эди.

1921-1933 йилларда ҳукуматни бошқаришдаги республикачилар олиб борган сиёсатни тўлалигича узоқни кўзлаб қилинган иш деб бўлмасди. Ҳар қандай мамлакат тараққиётида экспорт асосий роль ўйнаши маълум. Четга товар чиқариш учун аввало ён қўшнилар билан беғараз товар айирбошлаш калаванинг учини топиб беради. Аммо Вашингтон департаментида: «Сиз ўз-ўзингизга бизнесни қўйиб кўринг, бизнес сизга кўмакка келади», қабилида шиор ҳукмрон эди. Қўшни давлатлар ҳамда Лотин Америкасидаги мамлакатлар билан олиб бораётган гегемонлик сиёсати, ички ишларига аралашуви Қўшма Штатларнинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатаётганди.

1928 йили сояларда қолиб келаётган Франклин Рузвельт миллий тан олиниш сари ўзининг илк ишончли қадамини ташлайди. У рақибнинг бўш жойига мушт туширишга керак қабилида иш юритади. Рузвельт «Форин афферс» журнали учун АҚШнинг бундан кейинги ташқи сиёсатини демократлар қандай англайдилар, деган саволга жавобни халққа етказиш ниятида мақола ёзишга киришади. Мақолада шундай сўзлар бор эди: «Америка Қўшма Штатлари бошқа мамлакатларнинг розилигисиз интервенция сари бормаслиги керак. Қитъада содир этилаётган барча муаммоли масалалар бутун Америка номидан биргаликда ўрганилиши лозим. Агар мажбурият тақозо этса, ёрдам сўралса Лотин Америкаси ва қўшни мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсати бизни ёрғуликка олиб чиқмайди, ҳамкорликда сиёсат юргизиш қитъамизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлайди. Халқаро муносабатларни янги, янада такомиллаштирган ҳолда амалга ошириш вақти келди». Бу Америкада республикачилар юргизаётган сиёсатга бурилиш ясаш эди. Уларни янгича яшашга етаклаш эди.

Оқилона сиёсат Ф. Рузвельтни Нью-Йорк губернатори лавозимига олиб чиқди. 1928 йилда ўтказилган сайловларда губернаторликка номзодини қўйган Рузвельтнинг кутилмагандаги ғалабаси ҳатто демократларнинг боссларини ҳам ҳайратлантириб юборди. Чунки, сайловларда икки марта мағлубиятга учраган, ҳеч қачон юқори лавозимларда ишламаган, охир-оқибатда фалаж касалига мубтало бўлган одам губернатор бўлишини унинг тарафдорларидан бўлак ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди. Рузвельтнинг энг катта ютуғи оддий фуқаролар тарафида эканлигида намоён бўлди.

Нью-Йорк АҚШдаги энг йирик шаҳарлардан бири эди. Шаҳарда саноат корхоналарининг мавжудлиги, бозор тармоқларининг иш фаолияти аҳоли кўнглида ўз таъминотига етарли ҳақ оладиган иш топиш орзусини уйғотарди. Айниқса, қишлоқ хўжалигидаги инқироз аҳолини шаҳарга етаклаб келаётган эди. Кейинчалик ўтган йилларни эслаб, Ф. Рузвельтнинг шахсий маслаҳатчиси ва яқин дўсти Гарри Гопкинс шундай деганди: «Биз инқирознинг илк кунларидаёқ муҳтожларга ёрдам кўрсатиш муаммосига тўқнаш келдик. Минглаб ўзига тўқ оилаларнинг меҳрибонлик уйларига ёрдам сўраб боришга мажбур бўлганининг гувоҳиман». Франклин биринчи навбатда ишсизларни, муҳтожларни ҳимоя қилишга киришади. Янги губернаторнинг халқ осойишталиги сари қўйган иккинчи қадами эди бу. Рузвельт 1931 йилда Нью-Йорк шаҳрига ёрдам кўрсатувчи вақтинчалик фавқулодда вазият маъмуриятини ташкил этади. Унинг вазифаси ишсизларга, муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш эди.

Шу тариқа, ўзи ҳам ишонмаган ҳолда, Оқ уй томон ҳаракат қиларди. Илгари сураётган ҳар бир ғояси Оқ уйга яқинлаштирарди. Америка ҳаётида янги давр шамоли эса бошлади. Рузвельт ўз атрофига ўткир сиёсатдонларни тўплади. Уларни «ақлни ҳаракатлантирувчи», яъни мафкура ижодкорлари деб атади. Бу гуруҳ Франклин ғояларини мукаммаллаштирар, аҳоли онгига сингдиришда яқиндан ёрдам кўрсатарди. Шундай қилиб 1932 йилда Рузвельтнинг иш фаолиятида янги нутқ пайдо бўлди. 30-йилларда синфий кураш Америкага нисбатан Европада кучлироқ эди. Рузвельт таниқли журналист Ф. Аллени чақириб Германияда бўлаётган воқеалар ҳақида батафсилроқ таништиришини сўрайди. Бу унда ички янгиланиш мавжуд эканлигини билдирарди.

1930 йилда Рузвельтнинг сайлов кампанияси муваффақиятлари сиёсий мухолифларни титратиб юборди. Кўпчиликнинг наздидаги фаолиятсиз, жисмонан кучсиз сиёсатдон эндиликда шарафсиз тўкилаётган юртни сақлаб қолишга қодир эканлигига ишонч билдира бошлади. Ҳа, у иккинчи бор губернаторликка сайланган эди. Нью-Йорк штати демократларнинг янги йўлбошчиси Жим Фарли сайловдан бир кун ўтгач: «Мен билмайман, агарда бирор кимса унинг учун бармоғини қимирлатиб қўймаса-да, Рузвельт жаноблари ўз партиясидан Президентликка номзодини қўйишдан бош торта олармикан?» – деган эди. Фақатгина демократлар эмас, шаҳар аҳолиси ҳам Рузвельтга кўпроқ ишонар эди. Бу пайтда Рузвельт янги, ҳали амалда қўлланилмаган имкониятлардан фойдаланиш лозимлигини тарғиб қилар, мамлакатда ҳукм сураётган ижтимоий, иқтисодий мувозанатни ўзгартириш кераклигини уқтирарди, у: «Штатнинг фуқаролар олдидаги мажбурияти хизматкорнинг хўжайини олдидаги мажбуриятидек гап. Штатнинг энг биринчи вазифаси қора кунларда ўз-ўзини таъминлашдан ожиз қолган аҳолига шафқат кўрсатиб эмас, жамоатчилик олдидаги бурчини бажарувчи ҳолда моддий ёрдам кўрсатиш лозимлигини ҳукумат доирасига олиб чиқиши керак», дейди бир нутқида.

1932 йил баҳорида мамлакат бўйлаб президентликка сайловлар бошланди. Ўз номзодини қўйган Рузвельт 7 апрель куни радио орқали «Унутилган одам» номли нутқини ўқиди. XX аср бошларида радио Америкада жуда оммалашган эди. Жамият уни мудроқ кўзларини уқалаб-уйғонаётган боладек қабул қилди. Улар ҳали билмасди, бу нутқ аравачадаги одамни Президент курсисига ўтқазиши мумкин эканлигини. «Иқтисодий пирамиданинг асосий поғонасида турган, унутилган одамлар зиммасига юкланиб пастдан юқорига қаратилган режаларга эмас, балки юқоридан пастга қаратилган режаларга мамлакат катта эҳтиёж сезаяпти», дейиларди нутқда.

«Унутилган одам» юқори доирада қизғин муҳокама қилина бошланди, эндиликда Рузвельтнинг президентлик сайловида ғолиб чиқишига ҳеч қандай кафолат қолмаётгандек эди. Лекин сиёсий доирада янги йўналиш ўз фаолиятини бошлаганди. «Ақлни ҳаракатлантирувчи» гуруҳининг етакчиларидан бири Р. Моли даврнинг белгиси сифатида ушбу ҳолатни «Янги босқич» деб атади ва бу Рузвельт сиёсатининг бир белгисига айланди. Луизиана штати губернатори, демократ Хью Лонг репортаж ишқибозларига: «Биз Президент Гуверга, ўзи таклиф қилаётганидек миллион овозимизни ярим баҳода сотишимиз мумкин. Биз бу овозларсиз ҳам ютамиз». Давом этиб: «Демократларнинг катта фожиаси шундаки, улар овозларни назорат қилишдан бошқа иложи йўқ. Чунки, чўнтаклари бўш», деганди. Йўқ, бундай бўлмади, аста-секин Рузвельтнинг сайлов жамғармаси тўлиб борди. Молиявий-ишлаб чиқариш капиталининг кўзга кўринган вакиллари – Б. Барух, У. Вудин, В. Астор ва бошқалар салмоқли улуш қўшдилар. Бу ҳам Рузвельт сиёсати эзгу эканлигидан нишона эди.

1931 йилда Рузвельтнинг маслаҳатчиси Л. Хоу ҳамда турмуш ўртоғи Элеонора Рузвельт хоним ҳамкорлигида журналист Э. Линдлининг янги китоби чоп этилади. Унда Рузвельт «Ўтюрак сиёсатдон» деб баҳоланади. Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, деганларидек давлатни бошқаришда икки партиянинг бири ортиқча бўлиб қолаётган эди. Республикачилар ёки демократлардан бири юртни бошқариши кераклиги аёнлаша бошлаганди. Кун сайин Рузвельтнинг душманлари кўпайиб борарди. Бироқ у эса янги-янги ғоялар билан кўнгилларни маҳлиё этишдан бўшамасди. «Биз, – деганди Рузвельт, – либерал қоидаларга амал қилишимиз керак. Яъни халқаро муносабатларни олий даражага олиб чиқиш, барча фаолиятимизни халқ манфаатлари сари йўналтиришимиз зарур». Бу ғоялар олий табақага ёқмасада, иш ўрнини сақлаб қолишга кафолат йўқ, аммо арзимаган вақтда ундан ажраб қолиши мумкин бўлган ишчилар синфига, ўз маҳсулотига олаётган ҳаққи, қилаётган даромади оилани тебратишга етмаётган деҳқонлар учун жуда манзур бўларди. Рузвельт илгари сураётган сиёсати натижасида шуни англаб етдики, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий сиёсатидагина эмас, амалда ҳам янгиланиш қилиш керак. У бу ўринда аниқ дастурга эга бўлган режаларни амалга оширишни эмас, давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳаётга татбиқ этилмаган тажрибалардан фойдаланиш лозимлигини, агар бир синов ўзини оқламаса иккинчисини қўллаш кераклигини зўр бериб оммага тушунтиришга ҳаракат қиларди.

Бу сиёсат ўзини бироз оқларди. Чунки, фаразларга асосланган режа халқ онгига ҳеч қандай тушунча бермаса-да, унинг натижасини кутиш зиммасини юкларди. Натижаси бўлмаса янги фаразлар бодраб чиқаверарди. Кутиш халқнинг ҳукуматга қарши норозилигини кучсизлантирарди. Иқтисодий юксалиш учун биринчи навбатда эркин нафас олиш жуда зарур эди. У. Липпманнинг эсдаликларида: «Рузвельт муомаласидаги икки нарса мени ташвишлантиради: биринчиси, у сиёсий ўйинни жуда яхши кўради, бунда ўзини жуда яхши ҳис қилади ва ўзича ўйнайди. Иккинчиси у дўстона суҳбатларни яхши кўради, ҳаммани ҳайратлантиргиси келади, тўпланганларнинг фикрларини уқиб олишга ҳаракат қилади, бунда ёнидаги маслаҳатчиларига кўп нарса боғлиқдир», деб ёзилади.

1932 йилги президентликка сайловлардан бир кун ўтгач, унинг энг яқин хизматдоши Норман Томас Элеонора хонимга: «Мен Франклинга овоз бермагандим, жуда ҳижолатдаман», дейди. Хоним ўз навбатида: «Агар Рузвельт эрим бўлмаганида, мен ҳам шундай қилардим», дея жавоб қайтаради. Хью Лонг айтгани каби, миллион овозларсиз ҳам Рузвельт ютиб чиқарди. Ва у ютиб ҳам чиқди. Франклин Делон Рузвельт Американинг ўттиз иккиинчи президенти бўлди.

Лекин Рузвельтнинг давлат тепасига келиши ҳам ўзига хос ташвишли бошланди. Кўпгина штатлардаги банклар банкротлик эълон қилиб, эшикларини ёпиб олди. Одамларни энди ҳисоб рақамларидаги пуллар ваҳимага сола бошлади. Банклардан маблағ олишга кўзи етмаган баъзи корхона раҳбарлари ҳам ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатди. Президент лавозимини қабул қилиш маросимида «Нью-Йорк таймс» газетаси ўзининг Бош мақоласида Рузвельт ҳақида шундай ёзганди: «У ҳақда жоду яратувчи деб ўйлашади энди». АҚШ Президенти эса совуққонлик билан ўз вазифасига киришди. Унинг халққа қарата айтган илк гаплари: «Биз аввало ўз-ўзимизни ваҳимага солишдан қўрқишимиз керак». «Биз фақат олишимиз эмас, нимадир халққа беришимиз ҳам керак». «Халқ талаб қилаяпти, кечиктирмасдан ҳаракат қилишимиз лозим».

1933 йил 5 мартда барча банкларни тўрт кунга ёпиб қўйиш ҳамда АҚШдан олтин, кумуш ва қоғоз пулларни олиб чиқиб кетишни тақиқлаш тўғрисида Президент декрети қабул қилинди. 9 мартда махсус сессиянинг биринчи иш кунида Банклар тўғрисидаги қонун муҳокама қилинди, бор-йўғи 40 минут вақт сарфланган муҳокамадан сўнг қонун қабул қилинди. Бу ҳақда «Нейшн» журнали шундай ёзганди: «Президент Оқ уйдан олий лавозимдагиларни ҳайдади, алмаштирди. Шу куни улар яна қайтиб келишди. Уларга вазифалар тақсимлаб берилди. Банкирлар ўз сармояларини оширишга кўзлари етмай жимиб қолишди». Нима бўлганда ҳам Рузвельт мақсадига эришган эди. «Капитализм сақлаб қолинди», дея хулоса қилганди Р. Моли.

Ф. Рузвельт даври – Америка ислоҳотларининг юксалиш даври бўлди, дейилса хато бўлмас. Президентликнинг илк кунларидаёқ қатор қонунлар қабул қилинди, булардан: «Ишсиз ёшлар махсус лагерини ташкил этиш тўғрисида» (31 март), ушбу қонунга биноан 18-25 ёшдаги йигитларни ҳарбий хизматга олиш ҳам киритилди. Хизмат даврида улар маош олишлари ҳам мумкин эди. «Фавқулодда федерал административ ёрдам тўғрисида» (12 май), бу ташкилотга 500 миллион доллар ажратилди, шундан тенг ярми ишсизларга сарф қилиниши керак эди. «Фермер қарзларини кечиш тўғрисида» ҳамда «Қишлоқ хўжалигини тиклаш тўғрисида» (12 май), ушбу қонунларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тан нархи ва саноат таннархи орасидаги фарқ мувофиқлаштирилди. «Федерал бандлик хизмати тўғрисида» (6 июнь), «Турар жой кредит қарзларидан кечиш тўғрисида» (13 июнь), «Фермер хўжалигини кредитлаш тўғрисида» (16 июнь), бу қонун фермер хўжаликлари иш фаолиятида катта ўзгариш ясади. Ф. Рузвельтнинг ўзи «Америка конгресси томонидан маъқулланмаган, аммо узоқни ўйлаб тузиладиган қонун», бу саноатни тиклаш ҳақида бўлиши керак деб ҳисобларди. 16 июнь куни қабул қилинган ушбу қонунни кичик Жон Рокфеллер: «Тикланиш йўлидаги улуғ ҳаракатнинг ишончли йўли», деб баҳолаган бўлса, АҚШ Савдо палатаси президенти Генри Гарриман: «Ҳамкорликнинг конструктив усули», деганди.

1933 йилнинг апрель ойларида янги иш ўринлари яратиш бўйича бир қанча қонун лойиҳалари эълон қилинди. Улардан бири Сенатор Блэкнинг 30 соатли ҳафталик иш куни лойиҳасидир. Ушбу лойиҳага биноан 6 миллион янги иш ўринлари яратилиши лозим эди. Ҳукумат узоқ давом этган баҳслар натижасини кутмасдан кодекс ишлаб чиқди. Ушбу кодексга мувофиқ ҳафтасига 44 соат ишлайдиган хизматчилар 12-15 доллар иш ҳақи, ишчилар ҳафтасига 35 соатли иш кунлари учун соатига 30-40 цент оладиган бўлишди. Шундай қилиб ислоҳотнинг юз куни Америка Қўшма Штатларини ёруғликка олиб чиқди. Иқтисодий, сиёсий инқироз юксалишга айланди.

Кейинчалик таниқли сиёсатшунослар: «Американинг ижтимоий, иқтисодий ва ташқи сиёсатини халқаро даражаларга олиб чиқишда, АҚШ капитализмини сақлаб қолишда Рузвельтнинг ўрни буюкдир», дейишганди.

Ислоҳотнинг юз кунида эришилган муваффақиятлар Ф. Рузвельтни иккинчи бор Президентликка сайловларда ғалаба қозонишга замин яратган бўлса ажаб эмас. Ахир 1936 йилги сайловларда одамлар: «Бизга Рузвельтдан бошқаси керак эмас», дея ҳайқирганида, фақат пастдан олишни биладиган давлатни эмас, халққа нимадир беришни ҳам биладиган давлатни англаган. Шу тариқа Қўшма Штатларнинг жаҳон аренасида мумтоз обрўга эга бўлишига улкан ҳисса қўшган Франклин Делон Рузвельт тўрт бор президентлик сайловларида ғалаба қозонди. Умрининг сўнгги дамларигача ўз ғоясига содиқ қолди.

...1945 йил, баҳор, атроф ўт-ўланларга безанган пайт, Оқ уйда дўстлар даврасида суҳбат қуриб ўтирган Рузвельт оқ қоғозга нимадир ёзиб, ҳамсуҳбатларидан бирига узатади. Хатни ўқир экан, қариндоши Лаура Делон: «Сиз ростдан шундай қарорга келдингизми? Ахир бундан кейин нима қила оласиз?» – дейди. Рузвельт кулиб: «Мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотини бошқаришни хоҳлардим!» – дея жавоб қайтаради. Ушбу ташкилот ҳам Ф. Рузвельт ташаббуси билан ташкил этилганди. Лекин Франклин бу орзусига етишолмади, унинг умри тугаб бораётган эди. Президентлик лавозимидан воз кечиши ўлими яқинлашганлигини сезганимиди?!

Шундай қилиб Америка иқтисодий-сиёсий ҳаётида юксак бурилиш ясаган Франклин Делон Рузвельт 63 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Лекин унинг номи тарихнинг унутилмас варағларига ўчмас сиёҳда ёзиб қўйилди.

Юсуф ЖЎРАЕВ тайёрлади.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

Ўн саккиз йил — юрак хизматида

Қаеринг оғриса — жонинг ўша ерда, деб бежиз айтмайдилар. Кўзинг кўрмай қолса ёруғ дунё қоронғи. Қулоғинг кавлаб оғриса бай-бай, бундан ёмон азоб йўқ. Товонингга тикан кирса, жон-понинг чиқиб кетади. Зорманда тишнинг зирқирашини гапириб ҳам ўтирмайман!..

Аммо бир аъзо борки, у билан мутлақо ҳазиллашиб бўлмайди. Бу — ЮРАК. Бир кўз билан яшаса бўлади. «Бир одамга бир кўз етадида. Ёмон нарсаларни қайтанга камроқ кўрасан», деб ўзини-ўзи юпатади бир кўзлилар. Бир оёғидан маҳрум бўлган эски қадрдонимиз тағинам «мамнун» бўлибдилар. «Бир ҳисобда ёмон бўлмади, — дермиш ҳазиллашиб таниш-билиш ва улфатларга. «Анақа» чакки-чукки ишларга қадам қўйишга кўпроқ мана шу суюқ оёғим сабаб бўлган. Ўзим эмас!..»

Қаранг-а.

Ажабким, бир инсон битта юрак билан бемалол яшаса бўлади. Зеро, юрак ўзи биттагина. Худди шу сабабга кўра, бу табиий бетакрор, мумтоз аъзони кўз қорачиғидай асрашга, ардоқлашга тўғри келади.

... Февраль ойида Тошкентдаги «Турон»сиҳатгоҳининг дарз кетган юрак муолажаси (реабилитация) бўлимида даволанишимга тўғри келди.

Тўғриси, икки марта қоқ ёрилган хаста юрагим билан мақтана олмайман. Ўша кезлари алланечук сирли маҳзунлик қоплаб олганди мени.

Қабулхонага бош суқаман.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ ... Юрак билан келувдим, азизим.

— Электрокардиограммангизни (қалб сувратини) кўрдим. Шу юракни ҳам киройи юрак деб кўтариб юрибсизми?

— Нима қилайин, бўлмаса?

— Бу шалақ аравани ташлаб юборинг ...

— Йўғ-ей ...

Аввалига ҳазиллашаяпти, ўзича гўё «аския» қилаяпти, деб ўйладим. Захил бетига, авзойига, маъносиз кўзларига разм солсам, ҳаёт нишонаси кўринмайди. Бағри-дилимни аччиқ алам учқунлари тирнаб юборди.

Ҳарчанд «астағфурилло»

деб тилимни тишласам-да, бўлмади.

— Нима дединг? Ўзинг шалақ аравасан. Қора юрак одам эксансан. Агар сени «одам» деб бўлса ...

Бироз ҳовридан тушгандай бўлди.

Мен ўзини дўхтир санаган бир хилги ялтоқ, бағритош кимсаларга ҳали одам-ку одам, йиртқич ҳайвонни боқтиришни ҳам раво кўрмайман. Ҳайвоннинг «айби» унинг ҳайвон бўлиб туғилганидами?

Шу пайт, бу гаплардан тамом бехабар, бўлим мудири,истараси иссиқ, юзидан нур ёғиб турган, фариштадай файзиёб бир инсон Каримхўжа Мансуров хонага кириб келдилар. Қалб «харитаси» — синиқ чизиқларда тасвирланган қоғоз пилталарни синчиклаб кўздан кечирдилар.

— Ҳим ... Яхши ... Дарвоқе.. Э-э ... Нима қипти. Бўлади.

— Чидаса бўладими, дўхтиржон?

— Ҳар бири 7 баллдан икки «долзарб» зилзилага чидаган, Сизни ҳамон бошида кўтариб юрган шундай «двигател» билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ношукр бўлмасинлар, тақсир. Қани кетдик ...

Навбатчи врачга кўз қирини ташладим. У бошини қуйи солди.

Кишининг соғлиғи кўп жиҳатлардан унинг кайфиятига боғлиқ. Кайфияти солиғига вобаста.

Чунончи, бир қўйни темир қафасда сақлаётган йиртқич бўрининг рўпарасига обориб боғлаб қўйишган. Охурига емишларни чош қилиб уйиб ташлаганлар. Қўй шўрлик хунук қашқирдан кўзини узмай, ҳадиксираб, даг-даг титраган. Ем-хашакка қайрилиб ҳам

1

қарамаган. Озиб-тўзиб, чўпустихон бўлиб қолган. Уч ойга бормай, ўлар ҳолатга келган ...

Мана кайфият нима деган сўз. Агар кайфият бўлмаса: иштаҳа бўлмайди; иш юришмайди; муолажа: дори-дармон, санчқи (укол) ... таъсир қилмайди. Илҳом келмайди; уйқуда ҳаловат йўқ; бўлиб турган иш ҳам бўлмайди. Хафақонлик ёмон дард. Борабора кишининг ҳаётдан кўнгли совийди. Чироқ ёқса ичи ёришмайди. Менимча, беморни даволашни унинг кайфиятини кўтаришдан бошламоқ керак.

Кайфияти сўник, хафақон соғлом кишидан кўра кайфи чоғ бўла бошлаган бемордан умид.

Алқисса, Абдиқаюмхўжа ўғли Каримхўжа Мансуров билан танишган чоғимдан бошлаб ўзимни қушдай енгил ҳис эта бошладим. Бу айнан «менбоп», менинг кўнглимдаги шифокор эди. Дўхтир кўп, шифокор кам. Одам кўп, маҳбуб кам бўлгани сингари. У ана шундай камёб, қўли эм, қалби, ўй-фикри тоза, покдомон, камсуқум, жонон табиб бўлиб чиқди. Пайт пойлаб, у билан бот-бот суҳбатлашишга, ҳаёти, касбига муносабати, атрофдагиларнинг у ҳақидаги фикрлари билан қизиқа бошладим. Асосий мавзу юрак эди.

...«Қаҳрамонимиз» Каримжон ўз касб фаолиятини ... ёлғон айтишдан бошлаган. Нега ундай қилгансиз, десам, бу ёлғончи дунёда ёлғон гапирмай бўладими, домлайи киром, деб ҳазиллашди.

Амакисининг қайнонаси, катта буви 90 ёшлик чоғларида у 15 ёшдаги ўспирин бўлган. Кампир кўз катаракти билан оғриб, кўрмайдиган, басир бўлиб қолган. Дунё кўзига қоронғилашиб, жуда қийналган. Унинг ҳолатини ифодалаш учун юзта «оғир» сўзи ҳам камлик қилади. Кўрнинг аҳволини тийрак киши тушуна олмайди. Кўрни кўр тушунади ...

Нима қилиш керак? Дўхтирлар бир неча марталаб кампирни кўришиб, «даволашнинг фойдаси йўқ, кампиршо. Энди ҳеч қачон бу кўзлар билан кўролмайсиз. Кўришдан умидингизни узинг» деб дангал айтишган.

Бор гап шу.

Водариғ!

Шунда ўй ўйлашиб дегандай, Каримжонни офталмолог — кўз дўхтири мақомида бе-

морнинг ҳузурига киритишган. Ҳар эҳтимолдан, болакайнинг кифтига оқ яктак ҳам илиб қўйишган (ҳеч кимнинг хаёлига келмаганки, сўқир киши учун оқ яктак нимаю, кўк яктак нима. Умуман, яктак чикора!). «Врач» жаноблари ўзгача бир қироат билан «бисмиллаҳир роҳмонир роҳи-и-йм» дебдию,қарияннинг мижжаларини пайпаслаб очиб, анча тараддуланган, узоқ текширган бўлибди.

Овозини ўзгартириб, жиддий қиёфада ўзича бир қанча «илмий атамалар»ни тилга олибди: «катаракта», «парда», «қабоқ», «нерв», «олма», «қорачиғ», «гавҳар», «коньюнктива», «оптика», «кўриш бурчаги» ...«Ҳим...» дебди сўнгра маъноли қилиб. Уст-устига бир қанча саволлар ҳам берибди.

— Кўзингиз кўрмай қолгандан илгари кўрармиди, бувижон?

— Ҳа, кўрар эди, қоқиндиқ.

— Шабкўр бўлмаганмисиз?

Саволлар алмойи-алжойи бўлаётганидан икки тараф ҳам хийла ўнғайсизланиб туришади ора-чира.

— Йўғ-ей, болам, нималар деяпсан? Кўзим қарчиғайнинг кўзидай ўткир эди.

—Кейинги йилларда Мансуров хонага кириб келдилар. Қалб «харитаси» — синиқ чизиқларда тасвирланган қоғоз пилталарни синчиклаб кўздан кечирдилар.

— Ҳим ... Яхши ... Дарвоқе.. Э-э ... Нима қипти. Бўлади.

— Чидаса бўладими, дўхтиржон?

— Ҳар бири 7 баллдан икки «долзарб» зилзилага чидаган, Сизни ҳамон бошида кўтариб юрган шундай «двигател» билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ношукр бўлмасинлар, тақсир. Қани кетдик ...

Навбатчи врачга кўз қирини ташладим. У бошини қуйи солди.

Кишининг соғлиғи кўп жиҳатлардан унинг кайфиятига боғлиқ. Кайфияти солиғига вобаста.

Чунончи, бир қўйни темир қафасда сақлаётган йиртқич бўрининг рўпарасига обориб боғлаб қўйишган. Охурига емишларни чош қилиб уйиб ташлаганлар. Қўй шўрлик хунук қашқирдан кўзини узмай, ҳадиксираб, даг-даг титраган. Ем-хашакка қайрилиб ҳам

2

қўювдим кўзинг ўткирлигини.

— Шошманг бир пас. Бунинг учун бир оз сабр қилишга тўғри келади. Мен яхши дори ёзиб бераман. Ҳар уч кунда уч томчидан уч марта томизасиз. Қарабсизки, бир кун келиб...

Тўқсон яшар қария шу қадар хурсанд бўлдики, сўқир кўзларидан тирқираб ёш оқа бошлади... Қўлини дуога очди...

— Шунча врачлар кўриб, касалимни топишолмади, омон бўлгурлар. Билувдим ҳеч балони билишмаслигини. Эсизгина ҳукуматни ойлиги. Мана сен тўғри топдинг, болам. Кўрмасамам кўргандай бўлдим. Бўйларингдан айланай сени. Буёққа яқин кел. Пешонангдан ўпай. Иҳ-иҳ-иҳ. Юз-кўзларингни тавоф қилайин. Яхши ўқиган эксансан, врачина қизичоғим. Илоё умрингдан барака топ. Етти пуштингга раҳмат ёғилсин. Устозингга балли. Худоё худовандо, туп-роқ олсанг олтин бўлсин. Ҳали кўзларим очилиб ўрнимдан турайин, сандиғимдаги бисотимдан битта шойи астарли бекасам тўн олиб, ўз қўлим билан устингга ёпаман.

Ана шунақа гаплар.

— Мабодо шифокор бўлмаганингизда, ким бўлардингиз? — сўрайман ундан.

— Шифокор.

— Нега... кўз дўхтири бўлмадингиз? «Ишни» кўздан бошлаган эксансиз?..

— Қалб кўзини очиш муҳимроқ кўринди. Туркларда юракшуносни (кардиолог) — «Қалб дўхтири» дейишаркан. Кел, дедим, кўзим тириклигида, юрак ютиб, ўзимни кардиологияга урайин.

— «Юрак минбаридан туриб сўзлайин», дебсиз-да?

— Йўқ , «юрак пойидан»...

— «Турон»да аҳвол қандай? Одамлар орасида муносабатлар анча текисдир? — гапга соламан шифокорни.

— «Текисчилик»ни бутун мулки Турондан тополмайсиз, оқсоқол. Ҳамма жойнинг ҳам ўз иқлими, «пасттекислик»лари, жарлик ва қоялари, чўлсаҳро зоналари, гуллаб-яшнаган водийлари бўлади...

— Бўлмай иложи йўқ, денг?

— Иложи йўқ. Шоҳид бўлдингиз: қай бир врачларимиз, билиб билмай, сизни ҳам «қитиқлаб» кўришди. Ҳеч нарса чиқмади. Сиз ҳам уларни кўрдингиз. Бизда ҳаммаёқ жаннат десам, барибир ишонмайсиз. Умуман олганда, шикваш-кояттга ўрин йўқ.

Бош врачимиз Мирабзал Маҳмудович Юнусовни танийсиз. Ишни кўзини биладиган, сўзининг устидан чиқадиган, жамоани яхши тушунадиган, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қадрига етадиган раҳбар.

Каминани бошқа жойларга, анча дуруст вазифаларга ҳам таклиф қилишди. Бормадим. Бу ерда, ҳаётбахш (реабилитация) бўлимида 18 йилдан буён узлуксиз хизмат қиламан. Ўз уйинг-ўлан тўшагинг. Дарахт бир жойда кўкаради, деган гаплар бор.

— Баҳарнов, «кўкариб» ётибман, денг?

— Нима десам экан...

— Узоқ йиллик ҳалол меҳнатингизни холисанллиллоҳ тақдирлаш маъносида, жилла «кўкариб» кетганингизни кўрмаётибман. Буёғи эллик ёшга қадам қўяётган эксансиз?

— ...

— Узр. Бу, аслида, Сизга бериладиган савол ҳам эмас.

— Келинг, мавзуни ўзгартирайлик, домла. Бўлимимизнинг врачлари ва бошқа ходимлари билан танишдингиз. Булар: Элмирахон Султонова, Марҳабо Султонхўжаева, Шайхов, Бахтиниса Тошматова, Гулчеҳра Назарова, Мирбобоева Мавжуда, Нафисахоним, Ибодат опа, Марина, Козим Кемалов. Ҳар бири ўз ўрнида, ўз тажрибасига кўра даволанувчиларга яхши хизмат қилишади. Ёмон эмас.

— Билмоқчийдим: ТошМИни битирганингиздан буёғига неча йилдан буён соғлиқни сақлаш тизимида ишлайсиз?

—27 йил.

— Уч кам 30 йилнинг буёғида неча марта хаста юраклар билан юзма-юз келдингиз?

—Кейинги 18 йил ичида, ўрта ҳисобда , ҳар йили 500 тадан беморга қараган бўлсам, жами 9 мингдан зиёдроқ.

—10 минг деяверинг?..

—Йўқ. 10 минг эмас. Инфаркт билан инсултнинг оти ўчсин, тақсир. Бу ўринда 1 дона «қўшиб ёзилган» касал ҳам мени «безамайди». Бундай дардлар камайса камайсинки, бир мисқолга ҳам кўпаймасин. Қанийди, беморлар сони 9 минг эмас, 9 дона бўлсайди. Агар сира бўлмаслигининг иложи бўлмаса. Менга ўхшаган оқ халат кийганлар иш тополмай, касодга учраб қолсак, жон дердик.

—Тушунарли. Раҳмат Сизга, ўзингизга яхши тилак тилаганингиз учун.

Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ

3

Сокинликнинг тоза оғуши

Нурота тизма тоғларининг Бахмал ва Ғаллаорол туманлари тушган жойида Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи бор. Зиёратга келганларга минглаб кўзлардан қубба-қубба бўлиб отилиб ётган сонсиз булоқлар обиҳаёт улашади. Бу ерга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлардан бири уларни сумалакнинг томчисидай тиниқ деган экан. Айтгандай, булоқ ҳақида ажиб ривоят юради. Муҳаммад пайғамбаримизнинг саҳобаси Саъд ибн Абу Ваққос шу жойдаги жангда узилиб тушган жимжилоғини кўмгач, ердан тиниқ чашма отилиб чиққан эмиш. Қатағон йиллари бу зиёратгоҳни ҳам ҳар хил тамғалар билан айблашди. Шукрки, мустақиллигимиз туфайли зиёратгоҳ яна ўз суврати ва сийратига эга бўлди.

— Зиёратгоҳ айниқса, ёз ойларида гавжум бўлади, — дейди мутасадди Абдулла Суярқулов. — Майли, қаршилигимиз йўқ, лекин бу ерга келадиган одам нима мақсадда келаётганини эсидан чиқармаслиги керак. Баъзи бировлар зиёратгоҳ эканлигини унутиб, маишат учун ҳам келадида...

Абдулла ака зиёратгоҳ ҳақида ўз режаларини гапирди. У зиёратгоҳга кириладиган жойларга дарвоза ўрнатмоқчи, бу ерга келаётганларнинг кўнглини кўтариш учун кўргазмалар ташкил қилади. Шунда бошқа мақсадда келадиганлар учун зиёратгоҳнинг дарвозалари ёпилади. Айниқса, бу ердаги табиат яхши қўриқланиши керак. Яқинда зиёратгоҳда мавжуд бўлган булбулларни ушлайдиган «сайёд»лар келишди. Абдулла ака йўл бермади, ҳали булбули-ку, қарқуноғига ҳам тегинмайсан, деди. Бу ердан бирорта гиёҳ, доривор ўт юлиниши мумкин эмас. Сувини ифлослантириш, ювиниш, чиқиндиларни ташлаш қатъий маън қилинган. Чунки, булоқдан пастда бир қишлоқ одам сув ичади. Шу пайт Абдулла аканинг айтаётган сўзларини ифодалайдиган ҳолат содир бўлди. Бир тўда зиёратга келган аёллар чилдирмасини чалиб ўйин қилиб кетса бўладими? Табиатдаги мувозанат бузилди, қушлар сайрашдан тўхтади, сувларнинг жилдираши эшитилмай қолди. Ҳовузни тўлдириб юрган балиқлар жимиди. Бу ер осойишталикни ёқтиради. Одамлар табиат ошиғи булбулларнинг овозини эшитгиси, балиқларни томоша қилгиси, булоқлардан тўйиб сув ичгуси, майин шабадага қалбини очгани келишди бу ерга. Биз қачонгача табиатга совуқ муносабатда бўламиз?!

Айтишларига қараганда, бу булоқ шифобахш хусусиятларга эга. Демак, шундай экан, булоқнинг сувидан ичиб, табиатидан баҳраманд бўлиб, яхши ният билан йўлга чиқилса, айни муддао.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Забардаст олим, моҳир педагог

Эҳтиром

Ўзбек халқи қадим замонлардан ўз устозларини зиёли инсонлар сифатида қадрлашга одатланган. Олим, ўқитувчи, турли жамоа ишларида фаол иштирок этиб келаётган ана шундай зиёли инсонлардан бири Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг профессори, иқтисод фанлари доктори Абдували Қўчқоровдир.

Абдували Қўчқоров 1956 йилда Тошкент саноат-иқтисодиёт техникумини имтиёзли диплом билан тугатиб, Марғилон ипак комбинатида иқтисодчи бўлиб ишлай бошлади. 1963 йилда эса Москвада таълим олиб, кибернетик мутахассислигини эгаллади. 1966-69 йилларда Россия фанлар академиясининг Марказий иқтисодий математика илмий текшириш институтида аспирантурани муваффақиятли тугатиб, Узбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисодиёт институти ихтисослаштирилган илмий кенгашида «Ўрта Осиё республикаларида пластмасса қайта ишлашнинг ишлаб чиқарилишини оптималлаштириш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Ёш иқтисодчи олим 1964 йилдан ЎзР ФА иқтисодиёт илмий текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади ва ўша даврдаёқ республика ёш иқтисодчи олимлар кўрик-конкурси ғолиби бўлди. Абдували Қўчқоров 1990 йилда Москвада агросаноат мажмуаси мутахассислиги бўйича «Минерал ўғитлардан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Етук иқтисодчи олим илмий тадқиқот ишларини ўқитувчилик фаолияти билан биргаликда давом эттирди. Йигирма йилдан зиёд Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида иқтисодий кибернетика кафедрасига мудирлик қилди. 1990 йилдан бошлаб ҳозирга қадар Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Ижтимоий соҳаларда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» кафедрасида ҳамда «Агробизнес» (макроиқтисодиёт) кафедрасида профессорлик вазифасини бажариб келмоқда.

Абдували ака кўплаб шогирд еттиштирган устоздир. У ёшларнинг жуда сахий ва самимий раҳбари, кўмакдоши, яқин дўсти бўлганлиги учун ажойиб инсондир.

Иқтисодчи олим Абдували Қўчқоровнинг қирқ йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида ўн бешдан зиёд фан номзодларига илмий раҳбарлик қилди, кўплаб докторлик ва номзодлик ишларига оппонент сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, иқтисодчи олимнинг шогирдлари ҳозирда Мисрда, Александрияда ҳамда Непалда иқтисодиёт фанининг тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Абдували Қўчқоровнинг барча ўқув-методик, илмий ишлари ва ўқиётган маърузалари бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг барча талабларига тўлиқ жавоб беради. Айниқса, талабаларга «Молиявий таҳлил», «Хўжалик фаолияти таҳлили назарияси», «Микроиқтисодиёт хўжалиги фаолияти таҳлили» юзасидан олиб бораётган маърузалари диққат-эътиборга сазовор.

Ажойиб инсон, заҳматкаш олим, меҳрибон устоз, улкан салоҳиёт, бой ҳаётий ва илмий-ижодий тажрибага эга бўлган шогирдпарвар олим, моҳир педагог Абдували Қўчқоровга иқтисодиёт фанининг равнақи йўлида ғайрату шижоат, илмий изланишларида баркамоллик тилаймиз.

Устознинг биз шогирдларига сарфлаган «юз ганж ила адо этиб бўлмас» хизматларини чуқур ҳурмат билан эъзозлаймиз.

Суннатилла РИЗАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг доценти

Гўё сиймолар сўзлар

— Одатимга кўра санъаткорлар туркумига кирувчи сиймоларни суратга тушираркан-ман, ўша машҳур Тамарахонимни сира кўндира олмадим, — дейди таниқли суратқаш Равил Шамсиддинов. — Ҳар гал Тамарахоним: иложи бўлса, қизларимни суратга туширинг деб такрорлардилар. Зеро, пайт пойлаб у кишини Саодат Қобулова билан турган ҳолатларини тасвирга олганман...

Шу кунларда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг матбуот уйидаги «Дийдор» реклама ва ахборот марказида Равил Шамсиддинов олган суратлар кўргазмасида ўша тарихий тасвир ҳам «Дугоналар» деган номда алоҳида ўрин олган. Суратқашнинг 40 йил мобайнидаги ижодий изланишлари самараси бўлмиш Шукур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамроев, Бернора Қориева, Раҳим Пирмуҳаммедов, халқ устаси Қодиржон Ҳайдаровларнинг сиймолари ҳам томошабинларда илиқ таассурот қолдирмоқда.

Юнус ЗИЁДОВ

Суратда: кўргазма залида

Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси

1999 йил 16 ва 23 июль кунлари соат 11⁰⁰ да кимошди савдоларини ўтказади

Кимошди савдоларига қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан савдога қўйилган

а) «Азия-92» хусусий фирмасига тегишли:

— картошка экиш қурилмаси — КСМ-4,1-2 дона, ҳар бир донасининг б/н - 1,0 млн. сўмдан;

— тельфер, бошланғич нархи — 800 минг сўм;

— ҳар хил турдаги подшипниклар -84 дона, б/н — 140 минг сўм;

— Юқори Чирчиқ тумани Яссавий жамоа хўжалигида жойлашган мева-сабзавот сақлаш базаси, умумий майдони 1,4 гектар, б/н — 20,0 млн. сўм;

б) «Тоштўқимачи» Акционерлик жамиятига тегишли:

— салфеткалар, модель 7-070, 1003 дона, ҳар бир донасининг б/н — 85 сўмдан;

— ёстиқ авралари, 3000 дона, ҳар бир донасининг б/н — 128 сўмдан;

— ҳамширалар халати — 500 дона, ҳар бир донасининг б/н — 838 сўмдан;

— чойшаблар мажмуаси — 763 дона, б/н — 917 сўмдан;

— чойшаблар мажмуаси — 1000 дона, ҳар бир донасининг б/н — 1493 сўмдан;

в) Резавор-сабзавотчи «Жамоа» корхонасига тегишли:

— «КХ-Ф-130 русумли «Панасоник» факси, б/н — 110 минг сўм;

— хона учун мебель тўплами , б/н - 150 минг сўм;

— кондиционер «БК-2000», б/н — 30 минг сўм;

— кондиционер «БК-2500», б/н — 40 минг сўм;

г) ОТАЖ «Ёғочни комплекс қайта ишлаш ва технологик комплектлаш» корхонасига тегишли:

— ДСП ишлаб чиқариш цехи ускуналари билан, б/н — 2,5 млн. сўм;

2) Тошкент вилояти хўжалик суди қарорига асосан савдога қўйилган:

Тошкент вилояти Пскент туманидаги Туркистон жамоа хўжалигига тегишли:

— «ГАЗ—31029» автомашинаси, 1992 йил, б/н — 552 минг сўм;

— «ГАЗ—3307» автомашинаси, 1991 йил, б/н — 414 минг сўм;

— «ГАЗ—3307» автомашинаси, 1991 йил, б/н — 391.975 сўм;

3) ОТАЖ «Ўзбекқишлоқмаш» корхонасига тегишли:

— Прицеп 2ПТС, 1990 йил, б/н — 30 минг сўм;

— ферма, 1989 йил, б/н — 100 минг сўм;

— насос станцияси, б/н — 60 минг сўм;

— «Т-40» трактори, 1990 йил, б/н — 50 минг сўм;

— «МТЗ-809» трактори, 1989 йил, б/н — 50 минг сўм;

— «МТЗ-80» трактори, 1989 йил, б/н — 50 минг сўм;

— «НИССА—522М» автомашинаси, 1977 йил, б/н — 100 минг сўм;

— «ГАЗ—5204» автомашинаси, 1977 йил, б/н — 100 минг сўм;

— «Прицеп—793А», 1991 йил, б/н — 30 минг сўм;

— ёнилғи агрегати, 1980 йил, б/н — 30 минг сўм.

Шунингдек, мунтазам равишда ўтказиладиган биржа савдоларида кўчмас мулк, офислар, автотранспорт воситалари, асбоб-анжомлар сотиб олишингиз ва сотишингиз мумкин.

ТЕЛ.: 144-44-72; 144-44-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, «Шарқ-Гули» АЖ ёнида, А. Навоий санъат саройи бекати.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасида рўйхатга олинган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 203, 406, 408, 507, 610-хона муҳрлари **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Раим Каримович Каримовга акаси **Ғаппор Каримович КАРИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0532

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.36

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА